# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
# Ҳ У К М

2022 йил август ойининг 22 куни жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман суди, Оқдарё тумани, “Шаршара-Наврўз” СИУ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи судья И.А.Дониёров, девонхона мудири А.Қулматовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Оқдарё туман прокурорининг ёрдамчиси Р.Вахобов, судланувчи М.А.Мухаммадиев ва унинг ҳимоячиси “Оқдарё Адолат” адвокатлик бюроси адвокати Р.Умаров ҳамда фуқаровий даъвогар Ф.Э.Тошниёзовларнинг иштирокида, Мухаммадиев Мардон Абдусаматовичга нисбатан №1-1411-2201/104-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра;

Судланувчи: Мухаммадиев Мардон Абдусаматович (Muxammadiyev Mardon Abdusamatovich), 1964 йил 14 ноябрь куни Самарқанд вилояти, Оқдарё туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилалик, 4 нафар фарзандлари бор, “Шаршара-Наврўз” СИУ раҳбари, муқаддам судланмаган, Оқдарё тумани, “Гўзалкент” маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли, “Уклон” қишлоғида яшайди, иш бўйича унга нисбатан “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 12 июнь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “а,в,г” бандлари, 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди ва 228-моддасининг 3-қисми билан айбланган;

Суд, судланувчи, жабрланувчилар, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,-

## А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Мухаммадиев Мардон Абдусаматович, “Шаршара-Наврўз” СИУ нодавлат нотижорат раҳбари лавозимида ишлаб келиб, мансабдор шахс бўла туриб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, ноқонуний йўллар билан бойлик орттириш мақсадини кўзлаб, “Шаршара-Наврўз” СИУ ҳисобчиси ҳамда “Шаршара-Наврўз” СИУ диспечери жиноят ишининг қисми ҳаракатдан тугатилган бошқа шахслар билан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, уларнинг иштирокчилигида ўзига ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг кўп миқдордаги



Хужжат имзоланган: Дониёров Илёс Абдужабборович, 22.08.2022
1-1411-2201/104

мулкини ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш, ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш каби жиноятларни содир қилиб, 2021 йилда уюшманинг 13 нафар ходимларига тўлов ведомостларига сохта маълумотлар киритиши натижасида жами 35.693.000 сўм пул маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликлари аниқланган.

Хусусан, М.Мухаммадиев, жиноят ишининг қисми ҳаракатдан тугатилган бошқа шахсларнинг иштирокчилигида тўлов ведомостларига сохта маълумотлар киритиб келишини натижасида 2021 йил давомида уюшмада ишловчи С.Бойқораевга жами 8.780.000 сўмлик иш ҳақи ҳисобланиб тўланганлиги кўрсатилган бўлсада, аслида унга иш ҳақи эвазига 5.600.000 сўмлик мол гўшти ва 1.200.000 сўм иш ҳақи бериб, қолган 1.980.000 сўм пул маблағларини, С.Диёровга жами 8.910.000 сўмлик иш ҳақи ҳисобланиб тўланганлиги кўрсатилган бўлсада, аслида унга иш ҳақи эвазига 6.860.000 сўмлик мол гўшти ва 1.600.000 сўм иш ҳақи бериб, қолган 450.000 сўм пул маблағларини, К.Жахонгировга жами 9.330.000 сўмлик иш ҳақи ҳисобланиб тўланганлиги кўрсатилган бўлсада, аслида унга иш ҳақи эвазига 6.860.000 сўмлик мол гўшти ва 1.600.000 сўм иш ҳақи бериб, қолган 870.000 сўм пул маблағларини, К.Йўлдошевга жами 9.500.000 сўмлик иш ҳақи ҳисобланиб тўланганлиги кўрсатилган бўлсада, аслида унга иш ҳақи эвазига 6.860.000 сўмлик мол гўшти ва 1.600.000 сўм иш ҳақи бериб, қолган 1.040.000 сўм пул маблағларини, А.Мардиевга жами 9.697.000 сўмлик иш ҳақи ҳисобланиб тўланганлиги кўрсатилган бўлсада, аслида унга иш ҳақи эвазига 6.860.000 сўмлик мол гўшти ва 1.600.000 сўм иш ҳақи бериб, қолган 1.237.500 сўм пул маблағларини, Ж.Нурмоновга жами 9.950.000 сўмлик иш ҳақи ҳисобланиб тўланганлиги кўрсатилган бўлсада, аслида унга иш ҳақи эвазига 6.860.000 сўмлик мол гўшти ва 1.600.000 сўм иш ҳақи бериб, қолган 1.490.000 сўм пул маблағларини, Қ.Санақуловга жами 12.780.000 сўмлик иш ҳақи ҳисобланиб тўланганлиги кўрсатилган бўлсада, аслида унга иш ҳақи эвазига 6.860.000 сўмлик мол гўшти ва 1.600.000 сўм иш ҳақи бериб, қолган 4.320.000 сўм пул маблағларини, У.Хожимуродовга жами 13.280.000 сўмлик иш ҳақи ҳисобланиб тўланганлиги кўрсатилган бўлсада, аслида унга иш ҳақи эвазига 6.860.000 сўмлик мол гўшти ва 1.600.000 сўм иш ҳақи бериб, қолган 4.820.000 сўм пул маблағларини, И.Шараповга жами 14.397.500 сўмлик иш ҳақи ҳисобланиб тўланганлиги кўрсатилган бўлсада, аслида унга иш ҳақи эвазига 6.860.000 сўмлик мол гўшти ва 1.600.000 сўм иш ҳақи бериб, қолган 5.937.500 сўм пул маблағларини, Н.Камоловга жами 10.430.000 сўмлик иш ҳақи ҳисобланиб тўланганлиги кўрсатилган бўлсада, аслида унга иш ҳақи эвазига 6.860.000 сўмлик мол гўшти ва 1.600.000 сўм иш ҳақи бериб, қолган 1.970.000 сўм пул маблағларини, С.Нуриддиновга жами 3.500.000 сўмлик иш ҳақи ҳисобланиб тўланганлиги кўрсатилган бўлсада, аслида унга иш ҳақи эвазига 840.000 сўмлик мол гўшти бериб, қолган 2.660.000 сўм пул

Ҳужжат имзоланган: Дониёров Илёс Абдужабборович, 22.08.2022

маблағларини, Ш.Мардимовга жами 6.411.000 сўмлик иш ҳақи ҳисобланиб тўланганлиги кўрсатилган бўлсада, аслида унга иш ҳақи эвазига мол гўшти ҳам пул маблағлари ҳам бермасдан 6.411.000 сўм пул маблағларини, Ш.Мусабоевга, 2020-2021 йилларда жами 3.977.000 сўмлик иш ҳақи ҳисобланиб тўланганлиги кўрсатилган бўлсада, аслида унга иш ҳақи эвазига 1.470.000 сўмлик мол гўшти бериб, қолган 2.507.000 сўм пул маблағларини, жами 35.693.000 сўм пул маблағларини ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилган.

Шунингдек, судланувчи М.Мухаммадиев "Шаршара-Наврўз" СИУ раҳбари лавозимида ишлаб келиши мобайнида, жиноят ишининг қисми ҳаракатдан тугатилган бошқа шахсларнинг иштирокчилигида ғаразгўйлик ва бошқа манфаатларни кўзлаб, ноқонуний йўллар билан бойлик орттириш мақсадида СИУда ишламаган турмуш ўртоғи Д.Худоёровани 01.06.2020 йилдан ишга қабул қилинганлиги тўғрисида буйруқ чиқариб, СИУда умуман ишламаган ва назоратчи вазифасини бажармаган бўлсада, иш ҳақи ведомостларига сохта маълумотлар киритиб келиб, 2020 йилнинг июнь ойида 896.900 сўм, октябрь ойида 240.000 сўм, ноябрь ойида 1.060.000 сўм, декабрь ойида 1.480.000 сўм, 2021 йил апрель ойида ойида 4.387.500 сўм, июнь ойида 550.000 сўм, июль ойида 3.145.000 сўм, ноябрь ойида 1.265.000 сўм, декабрь ойида 4.200.000 сўм, жами 17.224.400 сўм, Н.Ражабов СИУда ишламаган бўлсада, 06.03.2021 йилдан назоратчи вазифасига ишга қабул қилинганлиги тўғрисида буйруқ чиқариб, СИУда умуман ишламаган ва назоратчи вазифасини бажармаганлигига қарамасдан иш ҳақи ведомостларига сохта маълумотлар киритиб келиб, 2021 йил июль ойида 2.750.000 сўм, август ойида 1.500.000 сўм, ноябрь ойида 565.000 сўм, жами 4.815.000 сўм, С.Жўраев 2020 йил 03 июлдан 2021 йил 03 март кунига қадар тумандаги "Шаршара-Наврўз" СИУда назоратчи вазифасида ишлаб келиб, 2021 йил 03 март куни ишдан бўшаган бўлсада, иш ҳақи ведомостларига сохта маълумотлар киритиб, СИУда ишламаган С.Жўраевнинг номига 2021 йил апрель ойида 13-сонли тўлов ведомости билан 660.000 сўм, 2021 йил апрель ойида 14-сонли тўлов ведомости билан 967.500 сўм, 2021 йил апрель ойида 15-сонли тўлов ведомости билан 660.000 сўм, жами 2.287.500 сўм, Ж.Рахматуллаев 2020 йил 01 июндан 2020 йил 30 сентябрь кунига қадар тумандаги "Шаршара-Наврўз" СИУда ҳисобчи вазифасида ишлаб келиб, 2020 йил 30 сентябрь куни ишдан бўшаган бўлсада, иш ҳақи ведомостларига сохта маълумотлар киритиб, СИУда ишламаган Ж.Рахматуллаевнинг номига 2020 йил ноябрь ойида 200.000 сўм, декабрь ойида 780.000 сўм, 2021 йил апрель ойида 1.747.500 сўм, жами 2.727.500 сўм, Э.Нурманов 2004 йилдан 20 февраль кунига қадар тумандаги "Шаршара-Наврўз" СИУда назоратчи вазифасида ишлаб келиб, 2020 йил 20 февраль куни ишдан бўшаган бўлсада, иш ҳақи ведомостларига сохта маълумотлар киритиб, СИУда ишламаган Э.Нурмоновнинг номига 2021 йил апрель ойида 420.000 сўм, жами СИУда ишламаган ва ишни бажармаган ушбу 5 нафар шахсларнинг номига

Хужжат имзоланган: Дониёров Илёс Абдужабборович, 22.08.2022

27.474.400 сўм ойлик иш ҳақлари ҳисоблаб, ўзига ишониб топширилган ўзганинг жами 63.167.400 сўм миқдоридаги пул маблағларини ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Мухаммадиев Мардон Абдусаматович ўзининг кўрсатувида, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, "у 2020 йил июнь ойидан буён тумандаги "Шаршара-Наврўз" СИУ раҳбари лавозимида ишлаб келаётганлигини, уни хизмат вазифаларига уюшмага умумий раҳбарлик қилиш, ходимларни ишга олиш ва бўшатиш, ҳисоботларни тегишли ташкилотларга ўз вақтида топширилишини назорат қилиш, фермер хўжаликлари билан шартномалар тузиш ва бошқалар киришлигини, "Шаршара-Наврўз" СИУда жами 31 нафар ходимлар мавжудлигини, шундан бир нафар раҳбар, бир нафар ўринбосар, бир нафар ҳисобчи, бир нафар кадрлар бўйича ходим, бир нафар диспечер, бир нафар фаррош, бир нафар шафёр, бир нафар гидрометр ва 23 нафар ҳудуд ва канал назоратчиларидан иборатлигини, ходимларга иш ҳақини белгилаш кенгаш аъзолари томонидан белгиланишлигини, ҳақиқатдан ҳам ходимларга иш ҳақлари ўз вақтида берилмаслигини, бунга сабаб фермер хўжаликлари томонидан ўз вақтида уюшманинг ҳисоб рақамига пул маблағлари ўтказилмаслигини, шунинг учун ходимларга иш ҳақи ўрнига байрам вақтлари мол гўштини ўртача бозор нархида ҳисоблаб, тўлдирилмаган тўлов ведомостига ходимларга имзо қўйдириб, мол гўшти тарқатилишлигини, банкдан нақд пул олингандан сўнг, қарзга олинган мол гўштини пули тадбиркорга олиб бориб берилишлигини, 2021 йил мобайнида 12 маротаба ҳар бир ходимга жами 98 кг. дан мол гўшти ва 1600.0 минг сўмдан нақд пул тарқатилганлигини, ушбу тарқатилган гўшт ва пулларни жами йиғиндиси 262.260,0 минг сўмни ташкил қилишлигини, ходимларга иш ҳақи сифатида нақд пулларни олиб келиб тарқатиш, гўшт маҳсулотларини тенг тақсимлаб тарқатиш, тарқатилган пул ва гўшт маҳсулотлари бўйича ведомостлар тузиб, имзолатишни ҳисобчи Абдурахмонов Улуғбек ва кадрлар бўйича ходим Ташанов Жалоллар бажаришлигини, расмийлаштирилган ведомостлардаги пулларни ҳаммаси ходимларга нақд пул кўринишида берилмаганлигини, асосан ушбу пуллар ходимларга олдиндан тарқатилган гўшт маҳсулотларини ҳисобига қайтарилиб, тадбиркорларга гўшт маҳсулоти учун олиб бориб берилганлигини, ҳақиқатдан ҳам Худоёрова Дилфуза унинг турмуш ўртоғи бўлганлиги сабабли у уюшмага раҳбар бўлиб ишга ўтганидан сўнг, уюшманинг асосий иши ҳудудлар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли югур-югури кўп бўлганлиги сабабли турмуш ўртоғи Д.Худоёровага хабар бермасдан унинг номидан ўзи ариза ёзиб, паспорт нусхасини олиб уни 01.06.2020 йилдан дастлаб кадрлар бўйича мутахассис, кейинчалик назоратчи вазифаларига ишга қабул қилинганлиги юзасидан буйруқларини чиқариб унинг номига ҳақиқатдан ҳам иш ҳақи ҳисоблаб иш ҳақи ведомостларига ўзи унинг номидан имзо чекиб, 2020 йил июнь ойидан 2021 йил декабрь ойига қадар жами 17.224.400 сўм иш ҳақи ҳисоблаб, иш ҳақи эвазига пул ва гўшт

Хужжат имзоланган: Дониёров Илёс Абдужабборович, 22.08.2022

маҳсулотларини ўзи олиб келганлигини, турмуш ўртоғи Д.Худоёрованинг бундан хабари бўлмаганлигини, Жўраев Саидмурод 2020 йил 03 июлдан 2021 йил 03 март кунига қадар тумандаги “Шаршара-Наврўз” СИУ “Янгиравот-1” массивида назоратчи вазифасида ишлаганлигини, у 2021 йил 03 март куни туман “Ирригация бўлими”га ишга кирганлиги сабабли уюшмадан ишдан бўшаганлигини, у ишлаган даврида ойлик иш ҳақини эвазига накд пул бўлмаганлиги сабабли базан мол гўшти ҳисоблаб олиб келганлигини, ишдан бўшаганидан сўнг, унинг номига 2021 йил апрель ойида 13-сонли тўлов ведомости билан 660.0 минг сўм, 2021 йил апрель ойида 14-сонли тўлов ведомости билан 967.5 минг сўм, 2021 йил апрель ойида 15-сонли тўлов ведомости билан 660.0 минг сўм, жами 2287.5 минг сўм иш ҳақи ҳисобланганлиги тафтиш жараёнида аниқланганлигини, у ҳақиқатдан ҳам ишдан бўшаганидан сўнг уюшмадан иш ҳақи ҳам иш ҳақи эвазига мол гўшти ҳам олмаганлигини, ташкилот ҳаражатларига керак бўлиб қолганлиги сабабли унинг номига ҳам ҳақиқатдан ҳам уш ҳақи ҳисоблаб иш ҳақини ўзи олиб ишлатганлигини, унинг номидан тўлов ведомостларига унинг имзосига ўхшатиб базан ўзи, базида иш ҳақи ведомостини тузган У.Абдурахмонов ёки Ж.Ташановга унинг номига ҳисобланган иш ҳақи эвазига гўштни ўзи унга олиб бориб беришини айтганлиги сабабли имзо қўйишган вақтлари ҳам бўлганлигини, Ражабов Носир 2016 йилдан 2020 йил 26 октябрь ойига қадар уюшманинг “Янгиқўрғон” массиви назоратчиси вазифасида ишлаган, 2020 йил 26 октябрда у туман алоқа бўлимига ишга ўтмоқчилиги сабабли ўзининг ишдан бўшаш ҳақидаги аризасига асосан уюшмадан ишдан бўшатганлигини, бироқ у 2021 йилнинг март ойида туман почта алоқа бўлимига ишга кира олмаганлигини маълум қилиб, унга яна уюшмага ишга олишини сўраб, ариза ёзиб келганлиги сабабли уни ишга қабул қилиб, уни 3-сектор яъни туман ИИБ бошлиғининг сектори ишчи гуруҳига бириктириб, уни 3-сектор штабига доимий аъзо қилиб юборганлигини, бироқ у бирор маротаба 3-сектор штабига ҳам уюшмага ҳам ишга бормаганлигини, у ҳам ушбу ходимини бутунлай назоратсиз қолдириб, эътиборсизлиги сабабли унга иш ҳақи ҳисоблаб, иш ҳақи эвазига гўшт маҳсулотлари бериб келганлигини, ушбу Ражабов Носир уюшманинг диспечер ва кадрлар масаласи бўйича ходими Ташанов Абдужалолнинг узоқроқ қариндоши бўлганлиги ҳамда у билан битта маҳаллада яшаганлиги сабабли Н.Ражабовнинг номига ҳисобланган иш ҳақи эвазига тарқатилган гўшт маҳсулотларини унинг номидан ўзи иш ҳақи ведомостларига имзо қўйиб олиб кетиб, унга бериб келганлигини, Мардимов Шукурулло иш ҳақи ведомостларига техник хатолик сабабли Мардиев Шукурулло деб ёзиб кетилганлигини, Мардимов Шукурулло 2021 йилнинг май ойида уюшманинг Жомбой тумани билан туташган ҳудуди “Р.Хамраев” массивига пандемия ҳамда сув танқислиги учун ишчи ходим зарур бўлганлиги туфайли уни ушбу ҳудудга назоратчи вазифасига ишга олганлигини, уни ишга олаётган вақтида уюшманинг идораси унинг назорат ҳудудидан жуда узоқда жойлашганлиги сабабли унга уюшмада

Хужжат имзоланган: Дониёров Илёс Абдужабборович, 22.08.2022

ҳар ҳафтада бир маротаба бўладиган йиғилишларга келмаслигига у билан келишиб, йиғилишларга келмаса ҳам ўзига бириктирилган ҳудуддан муаммо чиқармасдан юклатилган вазифаларини бажаришига рухсат берганлигини, шу сабабли у уюшмада бўладиган йиғилишларга келмаганлигини, унинг номидан иш ҳақи ведомостларига ўзи имзо қўйиб унга ҳисобланган ойликлар ва ойлик иш ҳақи эвазига ҳисоблаб тарқатилган гўшт маҳсулотларини ҳам ўзи олиб ўзининг айрим ҳаражатларига ишлатиб келганлигини, бироқ унга унинг назорат ҳудудига борган вақтлари базида ўзининг ёнидан 5 литрлик пахта ёғи, базан мол, қўй, балиқ гўштлари олиб бориб берганлигини, бироқ ҳозир айнан қанча маҳсулот олиб бориб берганлигини ҳозир аниқ эслай олмаслигини, шунингдек, Нуриддинов Сирожиддинни 2021 йил июнь ойида уюшманинг "Р.Хамраев" ҳудудида жойлашган дарғатнинг "Даҳбед" массиви ҳудудига фермер хўжаликларига сув етказиб берувчи назоратчи вазифасига ишга олганлигини, бироқ унинг назорат ҳудуди ҳам уюшма идорасидан узоқда бўлганлиги сабабли уни ҳам ишга олаётганида унга ҳар ҳафта бўладиган йиғилишларга келмасликка рухсат берганлигини, шу сабабли ушбу ходимини ҳам уюшмада ишловчи кўплаб ходимлар кўп кўрмаганлиги учун танимаслиги табиий ҳоллигини, унинг номига ҳисобланган иш ҳақи ведомостларига ҳам унинг номидан ўзи унинг имзосига ўхшатиб имзо қўйиб иш ҳаққиларини олиб, унинг ҳудудига борган вақтлари иш ҳақи эвазига гўшт маҳсулотлари олиб бориб берганлигини, бироқ унга ҳозир жами қанча гўшт олиб бориб бергани эсида йўқлигини, 2021 йил ёз ойларида уюшмага қарашли каналларда ноқонуний сув олиш қулоқлари ва хусусий насослар орқали сув ўғирлиги кўпайиб кетганлиги сабабли туман бўйича барча ҳудудларни айланиб сув етиб бориши оғир ҳудудларга сув етиб боришлигини назорат қилишлик учун Мусабоев Шералини 2021 йил июль ойида ишга олганлигини, у канал бўйида ўзига бириктирилган вазифаларни бажариб юрганлиги сабабли уни йиғилишларга чақирмаганлигини, шу сабабли у йиғилишларга кам келганлигини, у иш ҳақи эвазига мол гўшти олганлигини, у ҳудудда бўлган вақтларда иш ҳақи ведомостларига унинг номидан уникига ўхшатиб имзо чекиб базида иш ҳақларини олган вақтлари ҳам бўлганлигини, Умаров Хумоюнни 2021 йил 02 июлда уюшмага назоратчи вазифасига ишга олганликларини, бироқ ишга кирганидан сўнг орадан икки кун ўтиб, унинг фарзандлари учун алимент тўловларидан қарздорлиги мавжуд бўлганлигини, унга доимий ҳар ойда бериб бориладиган иш ҳақи зарурлигини, уюшмада эса ойликлар ҳар ойда берилмаслигини, шу сабабли унга мазкур иш тўғри келмас эканлигини маълум қилганлигини, қайта ишламаслигини айтиб ишдан кетганлигини, шу сабабли унга умуман ойлик иш ҳақи ҳам ҳисобланмаганлигини, фақатгина уни ишдан бўшатиш ҳақида буйруқ чиқариш эсидан чиққанлиги сабабли эътиборсизлик қилиб буйруқлар китобига буйруқ расмийлаштирилмасдан қолганлигини, ҳақиқатдан ҳам иш ҳақи ведомостларида 2021 йил апрель, декабрь ойларида Пардаев

Ҳужжат имзоланган: Дониёров Илёс Абдужабборович, 22.08.2022

Ғайбулланинг номига, 2021 йил апрель, июль, декабрь ойларида Харитов Нуралининг номига, 2021 йил июль ойида Мардиев Шухратнинг номига, 2021 йил апрель ойида Жўраеванинг номига, 2021 йил апрель ойида Рахматованинг номига иш ҳақи ҳисобланиб тўланганлиги қайд этилганлигини, ушбу номлар тўлов ведомостларига техник хатолик сабабли хато киритиб юборилганлигини, бунга сабаб, юқоридаги тўлов ведомостларидаги Пардаев Ғайбулла аслида Исоқов Ғайбулла Пардаевич бўлиб, у уюшмада назоратчи вазифасида ишлаб келганлигини, унинг ўзи техник хатолик сабабли Пардаев Ғайбулла деб расмийлаштириб кетилганлигини, тўлов ведомостларига тўлиқ ўзи имзо чекиб ведомостда кўрсатилган иш ҳақларини олганлигини, Хайитов Нурали аслида Каримов Нурали бўлиб, у уюшмада назоратчи вазифасида ишлаб келганлигини, унинг номи техник хатолик сабабли Хайитов Нурали деб расмийлаштириб кетилганлигини, тўлов ведомостларига тўлиқ ўзи имзо чекиб ведомостда кўрсатилган иш ҳақларини олганлигини, Мардиев Шухрат аслида Мардимов Шукурулло бўлиб, юқорида айтиб ўтганидек, у ҳам уюшмада назоратчи вазифасида ишлаб келганлигини, унинг номи техник хатолик сабабли Мардиев Шухрат деб расмийлаштириб кетилганлигини, Жўраева аслида Жўраев Саидмурод бўлиб, юқорида айтиб ўтганидек, у ҳам уюшмада назоратчи вазифасида ишлаб келганлигини, унинг номи ҳам техник хатолик сабабли Жўраева деб расмийлаштирилиб кетилганлигини, Рахматова аслида Рахматов Жонибек бўлиб, у уюшмада ҳисобчи лавозимида 2020 йил июндан, 2020 йил октябрь ойига қадар ишлаб кетганлигини, унинг номи ҳам техник хатолик сабабли Рахматова деб расмийлаштирилиб кетилганлигини, ҳақиқатдан ҳам Нурмонов Эрмамат 2020 йил февраль ойида ишдан бўшаган бўлсада, унга нисбатан у ишдан бўшаганидан сўнг 2021 йил апрель ойида иш ҳақи ведомостига биноан 420.000 сўм иш ҳақи, Ж.Рахматуллаев 2020 йил сентябрь ойида ишдан бўшаган бўлсада, унга нисбатан у ишдан бўшаганидан сўнг 2020 йил ноябрь ойида 200.0 минг сўм, 2020 йил декабрь ойида 7-сонли тўлов ведомости билан 780.0 минг сўм, 2021 йил апрель ойида 15-сонли тўлов ведомости билан 780.0 минг сўм иш ҳақи ҳисобланганлигини, Э.Нурмонов ва Ж.Рахматуллаевлар ишдан бўшаган бўлсаларда уларга нисбатан ишдан бўшаганларидан сўнг ҳисобланган иш ҳақларини иш ҳақи ведомостларига имзо чекиб ўзи олиб ишлатганлигини, тафтишда 2021 йил давомида “Шаршара-Наврўз” СИУда ишлаган С.Бойқораев, С.Диёров, К.Жахонгиров, К.Йўлдошев, А.Мардиев, Ж.Нурмонов, К.Санақулов, У.Хожимуродов, И.Шаропов, Н.Камолов, С.Нуриддинов, Ш.Мардимов, Ш.Мусабоевларнинг номига юритилган тўлов ведомостларига сохта маълумотлар киритиб ва уларнинг номларидан имзо қўйиб келиниши натижасида, улар ҳақиқатда олмаган бўлсада, тўлов ведомостларига олинган иш ҳақи деб кўрсатилиши оқибатида жами 35.693.000 сўм пул маблағлар ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилинганлиги аниқланганлигини, ушбу ҳолатни қуйидагича изоҳлашлигини, уюшмада ходимларга ойлик иш ҳақи накд пул бўлмаганлиги сабабли тадбиркорлардан қарзга мол сўйдириб олиб, иш

Хужжат имзоланган: Дониёров Илёс Абдужабборович, 22.08.2022

ҳақи эвазига килограммасини 70 минг сўмдан ҳисоблаб тарқатиб келиб, уюшманинг ҳисоб рақамига пул тушганидан сўнг, мол сотиб олган тадбиркорларга пулини бериб келганликларини, шу сабабли кўп вақтларда ходимларга мол гўшти тарқатиб, тўлдирилмаган иш ҳақи ведомостларига имзо чектириб олганликларини, бўш иш ҳақи ведомостларига ҳисобчи У.Абдурахмонов ва кадрлар бўйича ходим Ж.Ташановлар унинг топшириғига кўра имзо чектириб олишлигини, сўнг у ходимлар томонидан имзоланган бўш тўлов ведомостларига қайси ходимга қанча ойлик иш ҳақи ҳисобланишини базан У.Абдурахмоновга, базан Ж.Ташановга белгилаб бериб, базан ўзи киритиб келганлигини, шундан сўнг, ходимларга иш ҳақи эвазига ҳисоблаб тарқатилган мол гўштидан ортиқча қисмини ўзи олиб қолиб, базида уюшманинг югур-югур ишларига базан ўзининг шахсий эҳтиёжи учун ишлатганлигини, бироқ ушбу ҳолатлардан У.Абдурахмоновнинг ҳам Ж.Ташановнинг ҳам хабари бўлмаганлигини ва улар бирор-бир тартибда моддий манфаатдор бўлмаганлигини, улар унинг топшириғини бажарганлигини, шунингдек, бази вақтларда иш ҳақи ведомостларига айрим ходимлар узоқ ҳудуддаги массивларда назоратчи бўлиб ишлашлиги сабабли уларни келаолмаслигини айтиб, уларга иш ҳақини, базида иш ҳақи эвазига тарқатилган гўштни ўзи олиб бориб беришини, шу сабабли тўлов ведомостларига ушбу ходимларнинг номидан имзо чекиб бераверишлигини айтиб топшириқ берганлиги учун ўзлари ходимларнинг номидан имзо қўйган ҳолатлар ҳам бўлганлигини, содир қилган айбига тўлиқ иқрорлигини ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, аниқланган зарар тўлиқ қопланганлигини, у ҳозирги кунда қилган ишидан пушаймонлигини, етказилган моддий зарарларни тўлиқ қоплаб берганлигини, жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогарнинг унга нисбатан даъвоси йўқлигини, оилавий шароити оғирлигини, қарамоғида тўрт нафар фарзандлари, ҳеч қаерда ишламайдиган турмуш ўртоғи ҳамда кекса ота-онаси борлигини, оилада ягона боқувчи ўзи эканлигини инобатга олиб, суддан унга нисбатан қонуний енгиллик беришликни билдириб баёнот берди.

Судланувчи Мухаммадиев Мардон Абдусаматович ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб баён қилган кўргазмасидан ташқари, унинг айби суд мажлисида сўроқ қилинган фуқаровий даъвогар, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўргазмалари билан ҳам тўлиқ исботланади.

Суд мажлисида фуқаровий даъвогар тариқасида сўроқ қилинган Тошниёзов Фахритдин Эргашевич ўзининг кўрсатувида у Оқдарё туман Ирригация бўлимида 2017 йилдан буён бош ҳисобчи лавозимида ишлаб келишлигини, У.Мухаммадиев “Шаршара-Наврўз” СИУ раҳбари лавозимида ишлаб келиши мобайнида, У.Абдурахмонов ва Ж.Ташановларнинг иштирокчилигида СИУда ишламаган турмуш ўртоғи Д.Худоёровани 06.2020 йилдан ишга қабул қилинганлиги тўғрисида буйруқ чиқариб, Уда умуман ишламаган ва назоратчи вазифасини бажармаган бўлсада,

Хужжат имзоланган: Дониёров Илёс Абдужабборович, 22.08.2022

иш ҳақи ведомостларига сохта маълумотлар киритиб келиб, 2020 йилнинг июнь ойида 896.900 сўм, октябрь ойида 240.000 сўм, ноябрь ойида 1.060.000 сўм, декабрь ойида 1.480.000 сўм, 2021 йил апрель ойида 4.387.500 сўм, июнь ойида 550.000 сўм, июль ойида 3.145.000 сўм, ноябрь ойида 1.265.000 сўм, декабрь ойида 4.200.000 сўм, жами 17.224.400 сўм, Н.Ражабов СИУда ишламаган бўлсада, 06.03.2021 йилдан назоратчи вазифасига ишга қабул қилинганлиги тўғрисида буйруқ чиқариб, СИУда умуман ишламаганлиги ва назоратчи вазифасини бажармаганлигига қарамасдан иш ҳақи ведомостларига сохта маълумотлар киритиб келиб, 2021 йил июль ойида 2.750.000 сўм, август ойида 1.500.000 сўм, ноябрь ойида 565.000 сўм, жами 4.815.000 сўм, С.Жўраев 2020 йил 03 июлдан 2021 йил 03 март кунига қадар тумандаги “Шаршара-Наврўз” СИУда назоратчи вазифасида ишлаб келиб, 2021 йил 03 март куни ишдан бўшаган бўлсада, иш ҳақи ведомостларига сохта маълумотлар киритиб, СИУда ишламаган С.Жўраевнинг номига 2021 йил апрель ойида 13-сонли тўлов ведомости билан 660.000 сўм, 2021 йил апрель ойида 14-сонли тўлов ведомости билан 967.500 сўм, 2021 йил апрель ойида 15-сонли тўлов ведомости билан 660.000 сўм, жами 2.287.500 сўм, Ж.Рахматуллаев 2020 йил 01 июндан 2020 йил 30 сентябрь кунига қадар тумандаги “Шаршара-Наврўз” СИУда ҳисобчи вазифасида ишлаб келиб, 2020 йил 30 сентябрь куни ишдан бўшаган бўлсада, иш ҳақи ведомостларига сохта маълумотлар киритиб, СИУда ишламаган Ж.Рахматуллаевнинг номига 2020 йил ноябрь ойида 200.000 сўм, декабрь ойида 780.000 сўм, 2021 йил апрель ойида 1.747.500 сўм, жами 2.727.500 сўм, Э.Нурманов 2004 йилдан 20 февраль кунига қадар тумандаги “Шаршара-Наврўз” СИУда назоратчи вазифасида ишлаб келиб, 2020 йил 20 февраль куни ишдан бўшаган бўлсада, иш ҳақи ведомостларига сохта маълумотлар киритиб, СИУда ишламаган Э.Нурмоновнинг номига 2021 йил апрель ойида 420.000 сўм, жами СИУда ишламаган ва ишни бажармаган ушбу 5 нафар шахсларнинг номига 27.474.400 сўм ойлик иш ҳақлари ҳисоблаб, ўзига ишониб топширилган ўзганинг пул маблағларини қасддан ўзлаштириш ва растарата йўллари билан талон-торож қилганлиги аниқланганлигини, мазкур етказилган 63.167.400 сўмлик зарар тўлиқ ундирилганлигини, ҳозирги кунда “Шаршара-Наврўз” СИУ раҳбари судланувчи М.А.Мухаммадиевга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, суддан унга нисбатан қонуний енгиллик беришликни билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Камолов Насир Сувонович ўзининг кўрсатувида, у 2019 йил август ойидан буён тумандаги “Шаршара-Наврўз” СИУда раҳбар ўринбосари лавозимида ишлаб келганлигини, уни хизмат вазифаларига туманга кириб келган сувни ҳудудларга тенг тақсимлаб, фермер хўжаликларига етказиб бериш киришлигини, “Шаршара-Наврўз” СИУга ҳар ҳафта сешанба куни ўтказиладиган йиғилишга доим қатнашиб келганлигини, у ушбу СИУда ишлаган даври учун асосан иш ҳақи эвазига гўшт маҳсулотлари, базан нақд пул олиб келганлигини, 2021 йил учун жами 98 кг. гўшт ва

Хужжат имзоланган: Доніёров Илёс Абдужабборович, 22.08.2022

1.600.000 сўм накд пул олганлигини, жумладан, 27.01.2021 йилда 11 кг, 12.03.2021 йилда 12 кг, 21.03.2021 йилда 7 кг, 20.04.2021 йилда 4 кг, 08.05.2021 йилда 6 кг, 12.05.2021 йилда 7 кг, 09.06.2021 йилда 6 кг, 08.07.2021 йилда 7 кг, 18.07.2021 йилда 10 кг, 31.08.2021 йилда 7 кг, 07.10.2021 йилда 10 кг, 27.12.2021 йилда 11 кг жами 98 кг. гўшт ва 09.04.2021 йилда 900.000 сўм ва 27.12.2021 йилда 700.000 сўм жами 1.600.000 сўм накд пуллар, жами бўлиб 8460.0 минг сўмлик иш ҳақи олганлигини, ундан иш ҳақи эвазига олган гўшт маҳсулотлари учун бўш иш ҳақи ведомостига СИУ ҳисобчиси имзо чектириб олганлигини, шундан сўнг, унга қанча ойлик иш ҳақи ёзишганлигидан хабари йўқлигини, шунингдек, у юқорида кўрсатилган миқдордагидан зиёд гўшт ҳам пул ҳам олмаганлигини, чунки у ҳар сафар олган гўшт ва пулларни ёзиб ҳисоблаб келганлигини, уюшманинг ҳисоб рақамида пул бўлмаганлиги сабабли, иш ҳақи учун мол гўшти олишга рози бўлганликларини, 2021 йил мобайнида унга нисбатан ҳисобланган иш ҳақи ведомостларида унинг номига жами 10430.0 минг сўм иш ҳақи ҳисобланганлигидан терговда хабар топганлигини, 2021 йилда жами 8460.0 минг сўмлик иш ҳақи олганлигини, бундан ташқари бирор сўм пул ҳам гўшт ҳам олмаганлигини, унга нисбатан иш ҳақи тариқасида ҳисобланган 1970.0 минг сўмлик иш ҳақини ким олганлигини билмаслигини, иш ҳақи ведомостига кг. ва сумма кўрсатилмаслигини, шу сабабли унга қанча иш ҳақи ҳисобланганлигидан хабари бўлмаганлигини, Худоёрова Дилфуза, Жўраев Саидмурод, Мардиев Шукурулло, Нуриддинов Сирож исмли фуқаролар уларнинг ишхонасида яъни “Шаршара-Наврўз” СИУда ишлаш ёки ишламаслигини у билмаслигини, Рахматуллаев Жонибек 30.09.2020 йилда ишдан бўшатилганлигини, бугунги кунда ишламаслигини, у СИУда кўп ишламаганлигини, Раджабов Носир муқаддам “Шаршара-Наврўз” СИУда ишлаганлигини, 2020 йилнинг тахминан октябрь ойида туман почта бўлимига ишга ўтишлик учун ишдан бўшаганлигини, Мусабоев Шерали ҳам муқаддам “Шаршара-Наврўз” СИУда ишлаб кетганлигини, кейин орада бир туман ирригация бўлимига ишга ўтганлигини, сўнг яна йиғилишларга келиб СИУ раисининг берган топшириқларини бажариб юрганлигини, Жўраев Саидмурод адашмаса 2020 йилдан 2021 йилнинг март ойига қадар СИУда ишлаб сўнг ишдан кетганлигини, Нуриддинов Сирожиддиннинг “Саёҳат ҳудудида фермер хўжалиги раиси эканлигини билишлигини, уни бир икки маротаба уюшмада кўрганлигини, ҳозирги кунда етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, ҳозирги кунда судланувчи М.А.Мухаммадиевга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, суддан унга нисбатан қонуний енгиллик беришликни билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Санақулов Қахрамон Умирзоқович ўзининг кўрсатувида у 2004 йилдан бугунги кунга қадар Оқдарё туман “Шаршара-Наврўз” СИУда А.Темур ММТП ҳудуди назоратчиси бўлиб ишлаб келганлигини, уни хизмат вазифаларига ҳуддаги фермер хўжаликларига сувни етказиб бериш, шартномаларни золатиб уюшмага келтириб бериш киришлигини, у ушбу СИУда

Хужжат имзоланган: Дониёров Илёс Абдужабборович, 22.08.2022

ишлаган даври учун асосан иш ҳақи эвазига гўшт маҳсулотларини олиб келганлигини, 2021 йил учун жами 98 кг. гўшт ва 1.600.000 сўм нақд пул олганлигини, жумладан, 27.01.2021 йилда 11 кг, 12.03.2021 йилда 12 кг, 21.03.2021 йилда 7 кг, 20.04.2021 йилда 4 кг, 08.05.2021 йилда 6 кг, 12.05.2021 йилда 7 кг, 09.06.2021 йилда 6 кг, 08.07.2021 йилда 7 кг, 18.07.2021 йилда 10 кг, 31.08.2021 йилда 7 кг, 07.10.2021 йилда 10 кг, 27.12.2021 йилда 11 кг. жами 98 кг. гўшт ва 09.04.2021 йилда 900.000 сўм ва 27.12.2021 йилда 700.000 сўм жами 1.600.000 сўм нақд пуллар, жами бўлиб 8460.0 минг сўмлик иш ҳақи олганлигини, ундан иш ҳақи эвазига олган гўшт маҳсулотлари учун бўш иш ҳақи ведомостига СИУ ҳисобчиси имзо чектириб олишлигини, шундан сўнг, унга қанча ойлик иш ҳақи ёзишлигидан хабари йўқлигини, у ҳар сафар олган гўшт ва пулларни ёзиб ҳисоблаб келганлигини, уюшманинг ҳисоб рақамида пул бўлмаганлиги сабабли, иш ҳақи учун мол гўшти олишга рози бўлганликларини, 2021 йил мобайнида унга нисбатан ҳисобланган иш ҳақи ведомостларида унинг номига жами 12780.0 минг сўм иш ҳақи ҳисобланганлигидан терговда хабар топганлигини, 2021 йилда жами 8460.0 минг сўмлик иш ҳақи олганлигини, бундан ташқари бирор сўм пул ҳам гўшт ҳам олмаганлигини, унга нисбатан иш ҳақи тариқасида ҳисобланган 4320.0 минг сўмлик иш ҳақини ким олганлигини билмаслигини, иш ҳақи ведомостига кг. ва сумма кўрсатилмаслигини, шу сабабли унга қанча иш ҳақи ҳисобланганлигидан хабари бўлмаганлигини, Худоёрова Дилфуза, Жўраев Саидмурод, Мардиев Шукурулло, Нуриддинов Сирож исмли фуқаролар уларнинг ишхонасида яъни “Шаршара-Наврўз” СИУда ишлаш ёки ишламаслигини у билмаслигини, ушбу фуқароларни ишхонада кўрмаганлигини, Рахматуллаев Жонибек 30.09.2020 йилда ишдан бўшатилганлигини, бугунги кунда ишламаслигини, у СИУда кўп ишламаслигини, Раджабов Носир муқаддам “Шаршара-Наврўз” СИУда ишлаганлигини, 2020 йилнинг тахминан октябрь ойида туман почта бўлимига ишга ўтишлик учун ишдан бўшаганлигини, Мусабоев Шерали ҳам муқаддам “Шаршара-Наврўз” СИУда ишлаб кетганлигини, кейин орада бир туман ирригация бўлимига ишга ўтганлигини, сўнг яна йиғилишларга келиб СИУ раисининг берган топшириқларини бажариб юрганлигини, Жўраев Саидмурод 2020 йилдан 2021 йилнинг март ойига қадар СИУда ишлаб сўнг ишдан кетганлигини, ҳозирги кунда етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, ҳозирги кунда судланувчи М.А.Мухаммадиевга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, суддан унга нисбатан қонуний енгиллик беришликни билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Хожимуродов Умир Ахмадович ўзининг кўрсатувида, у 2015 йилдан бугунги кунга қадар Оқдарё туман “Шаршара-Наврўз” СИУда Гулистон ММТП ҳудуди назоратчиси бўлиб ишлаб келганлигини, унинг хизмат вазифаларига ҳудуддаги фермер хўжаликларига сувни етказиб бериш, шартномаларни имзолатиб уюшмага келтириб бериш киришлигини, у ушбу СИУда ишлаган даври учун асосан иш ҳақи эвазига гўшт

Хужжат имзоланган: Дониёров Илёс Абдужабборович, 22.08.2022

маҳсулотларини олиб келганлигини, 2021 йил учун жами 98 кг гўшт ва 1.600.000 сўм нақд пул олганлигини, жумладан, 27.01.2021 йилда 11 кг, 12.03.2021 йилда 12 кг, 21.03.2021 йилда 7 кг, 20.04.2021 йилда 4 кг, 08.05.2021 йилда 6 кг, 12.05.2021 йилда 7 кг, 09.06.2021 йилда 6 кг, 08.07.2021 йилда 7 кг, 18.07.2021 йилда 10 кг, 31.08.2021 йилда 7 кг, 07.10.2021 йилда 10 кг, 27.12.2021 йилда 11 кг жами 98 кг гўшт ва 09.04.2021 йилда 900.000 сўм ва 27.12.2021 йилда 700.000 сўм жами 1.600.000 сўм нақд пуллар, жами бўлиб 8460.0 минг сўмлик иш ҳақи олганлигини, ундан иш ҳақи эвазига олган гўшт маҳсулотлари учун бўш иш ҳақи ведомостига СИУ ҳисобчиси имзо чектириб олишганлигини, шундан сўнг, унга қанча ойлик иш ҳақи ёзишганлигидан хабари йўқлигини, у ҳар сафар олган гўшт ва пулларни ёзиб ҳисоблаб келганлигини, уюшманинг ҳисоб рақамида пул бўлмаганлиги сабабли, иш ҳақи учун мол гўшти олишга рози бўлганликларини, 2021 йил мобайнида унга нисбатан ҳисобланган иш ҳақи ведомостларида унинг номига жами 13280.0 минг сўм иш ҳақи ҳисобланганлигидан терговда хабар топганлигини, 2021 йилда жами 8460.0 минг сўмлик иш ҳақи олганлигини, бундан ташқари бирор сўм пул ҳам гўшт ҳам олмаганлигини, унга нисбатан иш ҳақи тариқасида ҳисобланган 4820.0 минг сўмлик иш ҳақини ким олганлигини билмаслигини, иш ҳақи ведомостига кг ва сумма кўрсатилмаслигини, шу сабабли унга қанча иш ҳақи ҳисобланганлигидан хабари бўлмаганлигини, Худоёрова Дилфуза, Жўраев Саидмурод, Мардиев Шукурулло, Нуриддинов Сирож исмли фуқаролар уларнинг ишхонасида яъни "Шаршара-Навруз" СИУда ишлаш ёки ишламаслигини у билмаслигини, Рахматуллаев Жонибек 30.09.2020 йилда ишдан бўшатилганлигини, бугунги кунда ишламаслигини, у СИУда кўп ишламаганлигини, Раджабов Носир муқаддам "Шаршара-Наврўз" СИУда ишлаганлигини, 2020 йилнинг тахминан октябрь ойида туман почта бўлимига ишга ўтишлик учун ишдан бўшаганлигини, Мусабоев Шерали ҳам муқаддам "Шаршара-Наврўз" СИУда ишлаб кетганлигини кейин орада бир туман ирригация бўлимига ишга ўтганлигини, сўнг яна йиғилишларга келиб СИУ раисининг берган топшириқларни бажариб юрганлигини, Жўраев Саидмурод 2020 йилдан 2021 йилнинг март ойига қадар СИУда ишлаб сўнг ишдан кетганлигини, Нуриддинов Сирожиддиннинг "Саёҳат" ҳудудида фермер хўжалиги раиси эканлигини билишлигини, уни бир икки маротаба уюшмада кўрганлигини, ҳозирги кунда етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, ҳозирги кунда судланувчи М.А.Мухаммадиевга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, суддан унга нисбатан қонуний енгиллик беришликни билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Шаропов Исомиддин Ахмедович ўзининг кўрсатувида, у 2012 йилдан буён бугунги кунга қадар Оқдарё туман "Шаршара-Наврўз" СИУ Даҳбед ММТП ҳудуди назоратчиси бўлиб ишлаб келишлигини, у ушбу СИУда ишлаган даври учун асосан иш ҳақи эвазига гўшт маҳсулотларини олиб келишлигини, 2021 йил учун жами 98 кг. гўшт ва 1.600.000 сўм нақд пул олганлигини,

Хужжат имзоланган: Дониёров Илёс Абдужабборович, 22.08.2022

жумладан, 27.01.2021 йилда 11 кг, 12.03.2021 йилда 12 кг, 21.03.2021 йилда 7 кг, 20.04.2021 йилда 4 кг, 08.05.2021 йилда 6 кг, 12.05.2021 йилда 7 кг, 09.06.2021 йилда 6 кг, 08.07.2021 йилда 7 кг, 18.07.2021 йилда 10 кг, 31.08.2021 йилда 7 кг, 07.10.2021 йилда 10 кг, 27.12.2021 йилда 11 кг жами 98 кг гўшт ва 09.04.2021 йилда 900.000 сўм ва 27.12.2021 йилда 700.000 сўм жами 1.600.000 сўм накд пуллар, жами бўлиб 8460.0 минг сўмлик иш ҳақи олганлигини, ундан иш ҳақи эвазига олган гўшт маҳсулотлари учун бўш иш ҳақи ведомостига СИУ раҳбари ва ҳисобчиси имзо чектириб олишганлигини, шундан сўнг унга қанча ойлик иш ҳақи ёзишлигидан хабари йўқлигини, шунингдек, у юқорида кўрсатилган миқдордагидан зиёд гўшт ҳам пул ҳам олмаганлигини, чунки у ҳар сафар олган гўшт ва пулларни ёзиб ҳисоблаб келганлигини, уюшманинг ҳисоб рақамида пул бўлмаганлиги сабабли, иш ҳақи учун мол гўшти олишга рози бўлганликларини, 2021 йил мобайнида унга нисбатан ҳисобланган иш ҳақи ведомостларида унинг номига жами 14397.5 минг сўм иш ҳақи ҳисобланганлигидан терговда хабар топганлигини, у юқорида айтганидек, 2021 йилда жами 8460.0 минг сўмлик иш ҳақи олганлигини, бундан ташқари бирор сўм пул ҳам гўшт ҳам олмаганлигини, унга нисбатан иш ҳақи тариқасида ҳисобланган 5937.5 минг сўмлик иш ҳақини ким олганлигини билмаслигини, иш ҳақи ведомостига кг ва сумма кўрсатилмаслигини, шу сабабли унга қанча иш ҳақи ҳисобланганлигидан хабари бўлмаганлигини, Худоёрова Дилфуза, Жўраев Саидмурод, Мардиев Шукурулло, Нуриддинов Сирож исмли фуқаролар уларнинг ишхонасида яъни “Шаршара-Наврўз” СИУда ишлаш ёки ишламаслигини у билмаслигини, ушбу фуқароларни ишхонада кўрмаганлигини, Рахматуллаев Жонибек 30.09.2020 йилда ишдан бўшатилганлигини, бугунги кунда ишламаслигини, у СИУда кўп ишламаганлигини, Раджабов Носир муқаддам “Шаршара-Наврўз” СИУда ишлаганлигини, 2020 йилнинг тахминан октябрь ойида туман почта бўлимига ишга ўтишлик учун ишдан бўшаганлигини, Мусабоев Шерали ҳам муқаддам “Шаршара-Наврўз” СИУда ишлаб кетганлигини, кейин орада бир туман ирригация бўлимига ишга ўтганлигини, сўнг унинг СИУга ишга яна кирган ёки кирмаганлигини аниқ билмаслигини, Жўраев Саидмурод 2020 йилдан 2021 йилнинг март ойига қадар СИУда ишлаб сўнг ишдан кетганлигини, ҳозирги кунда етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, ҳозирги кунда судланувчи М.А.Мухаммадиевга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, суддан унга нисбатан қонуний енгиллик беришликни билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Жахонгиров Комилжон Қодирович ўзининг кўрсатувида у 2015 йилдан бугунги кунга қадар Оқдарё туман “Шаршара-Наврўз” СИУда Пиримқулов ММТП ҳудуди назоратчиси бўлиб ишлаб келганлигини, унинг хизмат вазифаларига ҳудуддаги фермер хўжаликларига сувни етказиб бериш, шартномаларни имзолатиб уюшмага келтириб бериш кирганлигини, у ушбу СИУда ишлаган даври учун асосан иш ҳақи эвазига гўшт маҳсулотларини олиб келганлигини, 2021 йил учун жами 98 кг гўшт ва

Хужжат имзоланган: Дониёров Илёс Абдужабборович, 22.08.2022

ва кадрлар бўйича ходим Ташанов Жалоллар бажаришлигини, улар раҳбар М.Мухаммадиев кўрсатмасига асосан нақд пул ва гўшт маҳсулотлари тарқатилганлиги бўйича ҳисобот тайёрлашлигини, тўлов ведомости расмийлаштиришларидан олдин, М.Мухаммадиев уларга кимларни номини ведомостга киритиб, неча сўм беришларини белгилаб беришлигини, 2021 йил мобайнида уюшма томонидан банкдан 13 апрелда 110.0 млн. сўм, 01 июлда 40.0 млн. сўм, 30 июлда 50.0 млн. сўм, 25 августда 15.0 млн. сўм, 02 ноябрда 37.0 млн. сўм, 30 декабрда 110.0 млн. сўм жами 362.0 млн. сўм миқдорида нақд пул олинганлигини, олинган нақд пуллар бўйича тўлов ведомостлари расмийлаштирилганлигини, жумладан, 2021 йил апрель ойи учун 12.4 млн. сўмлик 11-сонли тўлов ведомости, апрель ойи учун 18.22 млн. сўмлик 12-сонли тўлов ведомости, апрель ойи учун 15.9 млн. сўмлик 13-сонли тўлов ведомости, апрель ойи учун 29.39 млн. сўмлик 14-сонли тўлов ведомости, апрель ойи учун 23.94 млн. сўмлик 15-сонли тўлов ведомости, апрель ойи учун 9.7 млн. сўмлик 16-сонли тўлов ведомости, июль ойи учун 15.5 млн. сўмлик 18-сонли тўлов ведомости, июль ойи учун 17.7 млн. сўмлик 19-сонли тўлов ведомости, июль ойи учун 22.0 млн. сўмлик 20-сонли тўлов ведомости, июль ойи учун 24.9 млн. сўмлик 21-сонли тўлов ведомости, июль ойи учун 10.0 млн. сўмлик 22-сонли тўлов ведомости, август ойи учун 15.0 млн. сўмлик 23-сонли тўлов ведомости, ноябрь ойи учун 19.6 млн. сўмлик 24-сонли тўлов ведомости, ноябрь ойи учун 17.4 млн. сўмлик 25-сонли тўлов ведомости, декабрь ойи учун 19.8 млн. сўмлик 26-сонли тўлов ведомости, декабрь ойи учун 30.0 млн. сўмлик 27-сонли тўлов ведомости, декабрь ойи учун 30.2 млн. сўмлик 28-сонли тўлов ведомости, декабрь ойи учун 30.0 млн. сўмлик рақамсиз тўлов ведомостлари жами 361.5 млн. сўмга расмийлаштирилганлигини, ушбу расмийлаштирилган ведомостлардаги пулларни ҳаммаси ходимларга нақд пул кўринишида берилмаганлигини, асосан ушбу пуллар ходимларга олдиндан тарқатилган гўшт маҳсулотларини ҳисобига қайтарилиб, тадбиркорларга гўшт маҳсулоти учун олиб бориб берилганлигини, 2021 йилда расмийлаштирилган тўлов ведомостларига муқаддам ишлаб кетган ходимларнинг номига ҳам иш ҳақи расмийлаштирилиб, имзоланганлигини, бунга сабаб, раҳбар М.Мухаммадиевнинг кўрсатмасига асосан у ва Ж.Ташанов тўлов ведомостларини расмийлаштирганликларини, муқаддам ишлаб кетган ходимлар номига расмийлаштирилган иш ҳақларини раҳбар М.Мухаммадиев имзолаб олганлигини, ҳақиқатдан ҳам Худоёрова Дилфуза уюшма раҳбари М.Мухаммадиевнинг турмуш ўртоғи бўлишлигини, уни ишга қабул қилиш юзасидан М.Мухаммадиев буйруқ расмийлаштирганидан сўнг, унинг оғзаки топшириғига кўра унинг номига иш ҳақи ҳисобланганлигини, ҳисобланган иш ҳақи ва иш ҳақи эвазига тарқатилган гўшт маҳсулотлари бўйича иш ҳақи ведомостларига унинг номидан М.Мухаммадиевнинг ўзи имзо қўйиб олиб келганлигини, ҳақиқатда унинг ишлаган ёки ишламаганлигини аниқ билмаслигини, уни

Хужжат имзоланган: Дониёров Илёс Абдужабборович, 22.08.2022

юшмада кўрмаганлигини, Жўраев Саидмурод 2020 йил 03 июлдан 2021 йил 03 март кунига қадар тумандаги “Шаршара-Наврўз” СИУ “Янгиравот-1” массивида назоратчи вазифасида ишлаган эканлигини, у 2021 йил 03 март куни туман Ирригация бўлимига ишга кирганлиги сабабли уюшмадан ишдан бўшаган эканлигини, у ишдан бўшаганидан сўнг, М.Мухаммадиевнинг топшириғига кўра унинг номига 2021 йил апрель ойида 13-сонли тўлов ведомости билан 660.0 минг сўм, 2021 йил апрель ойида 14-сонли тўлов ведомости билан 967.5 минг сўм, 2021 йил апрель ойида 15-сонли тўлов ведомости билан 660.0 минг сўм, жами 2287.5 минг сўм иш ҳақи ҳисобланиб, ушбу ҳисобланган иш ҳақи ва иш ҳақи эвазига тарқатилган гўшт маҳсулотларини С.Жўраевга олиб бориб беришлигини айтиб, М.Мухаммадиевнинг ўзи базан у ва базан Ж.Ташановга иш ҳақи ведомостларига имзо чектириб олганлигини, Раджабов Носир 2016 йилдан 2020 йил 26 октябрь кунига қадар уюшманинг “Янгиқўрғон” массиви назоратчиси вазифасида ишлаганлигини, 2020 йил 26 октябрда у туман алоқа бўлимига ишга ўтмоқчилиги сабабли ўзининг ишдан бўшаш ҳақидаги аризасига асосан уюшмадан ишдан бўшаган эканлигини, бироқ у 2021 йилнинг март ойида туман почта алоқа бўлимига ишга кира олмаганлигини маълум қилиб, ишга яна уюшмага ишга олишини сўраб, ариза ёзиб келганлиги сабабли у ишга қабул қилиниб, уни 3-сектор яъни туман ИИБ бошлиғининг сектори ишчи гуруҳига бириктириб, уни 3-сектор штабига доимий аъзо қилиб юборган эканлигини, у М.Мухаммадиевдан сўраганида у унга Н.Раджабовни 3-секторга бириктирганлигини айтиб, шу сабабли унга ойлик иш ҳақи ҳисоблаш бўйича топшириқ берганлигини, шу сабабли унга ҳам иш ҳақи ҳисоблаб келинганлигини, бироқ Н.Ражабов уюшмага келмаслигини, унга ҳисобланган иш ҳақи ва иш ҳақи эвазига тарқатилган гўштни у Ташанов Джалолиддиннинг қариндоши бўлганлиги сабабли унга олиб бориб беришини айтиб, тўлов қайдномаларига унинг номидан унинг имзосига ўхшатиб имзо қўйиб Ташанов Джалолиддин олиб кетишлигини, Мардимов Шукурулло иш ҳақи ведомостларига техник хатолик сабабли Мардиев Шукурулло деб ёзиб кетилганлигини, Мардимов Шукурулло ҳақида у уюшма раҳбари М.Мухаммадиевдан сўраганида 2021 йилнинг май ойида уюшманинг Жомбой тумани билан туташган ҳудуди бўлмиш “Р.Хамраев” массивига пандемия ҳамда сув танқислиги учун ишчи ходим зарур бўлганлиги туфайли назоратчи вазифасига ишга олганлигини, уни ишга олаётган вақтида уюшманинг идораси унинг назорат ҳудудидан жуда узоқда жойлашганлиги сабабли унга уюшмада ҳар ҳафтада бир маротаба бўладиган йиғилишларга келмаслигига у билан келишиб, йиғилишларга келмаса ҳам ўзига бириктирилган ҳудуддан муаммо чиқармасдан юклатилган вазифаларини бажаришига рухсат берганлигини, шу сабабли у уюшмада бўладиган йиғилишларга келмаганлигини айтганлигини, Мардимов Шукурулло ҳақиқатдан ҳам шмада бўладиган йиғилишларга келмаган, унинг номига ҳисобланган ҳақи ва иш ҳақи эвазига тарқатилган мол гўштини

Ҳужжат имзоланган: Дониёров Илёс Абдужабборович, 22.08.2022

М.Мухаммадиевнинг ўзи Ш.Мардимовга олиб бориб беришлигини айтиб иш ҳақи ведомостларига имзо қўйиб олиб кетишлигини, бироқ М.Мухаммадиев Ш.Мардимовга олиб бориб беришлигини айтиб олиб кетган иш ҳақи ва иш ҳақи эвазига тарқатиладиган гўштни унга берган ёки бермаганлигидан унинг хабари йўқлигини, шунингдек, у Нуриддинов Сирожиддин ҳақида ҳам уюшма раҳбари М.Мухаммадиевдан сўраганида у Хамраев Сирожиддинни 2021 йил июнь ойида уюшманинг "Р.Хамраев" массиви ҳудудида жойлашган дарғатнинг "Дахбет" массиви ҳудудига фермер хўжаликларига сув етказиб берувчи назоратчи вазифасига ишга олганлигини, бироқ унинг назорат ҳудуди ҳам уюшма идорасидан узоқда бўлганлиги сабабли уни ҳам ишга олаётганида унга ҳар ҳафта бўладиган йиғилишларга келмасликка рухсат берганлигини, шу сабабли ушбу ходим ҳам уюшмада бўладиган йиғилишларга кўп келмаганлигини, унинг номига ҳисобланган иш ҳақи ведомостларига ҳам унинг номидан М.Мухаммадиевнинг ўзи унинг имзосига ўхшатиб имзо қўйиб иш ҳаққиларини унга ўзи олиб бориб беришлигини айтганлигини, 2021 йил ёз ойларида уюшмага қарашли каналларда ноқонуний сув олиш қулоқлари ва хусуий насослар орқали сув ўғирлиги кўпайиб кетганлиги сабабли туман бўйича барча ҳудудларни айланиб сув етиб бориши оғир ҳудудларга сув етиб боришлигини назорат қилишлик учун Мусабоев Шерали 2021 йил июль ойида ишга олинганлигини, у канал бўйида ўзига бириктирилган вазифаларни бажариб юрганлиги сабабли уни йиғилишларга кўп чақирилмаганлигини, шу сабабли у йиғилишларга кам келганлигини, у иш ҳақи эвазига мол гўшти олганлигини, у ҳудудда бўлган вақтларда иш ҳақи ведомостларига унинг номидан уникига ўхшатиб М.Мухаммадиев имзо чекиб иш ҳақини унга олиб бориб беришлигини айтиб базида иш ҳақларини олган вақтлари ҳам бўлганлигини, Умаров Хумоюн 2021 йил 02 июлда уюшмага назоратчи вазифасига ишга олинганлигини, бироқ ишга кирганидан сўнг орадан икки кун ўтиб, унинг фарзандлари учун алимент тўловларидан қарздорлиги мавжуд бўлганлигини, унга доимий ҳар ойда бериб бориладиган иш ҳақи зарурлигини, уюшмада эса ойликлар ҳар ойда берилмаслигини, шу сабабли унга мазкур иш тўғри келмас эканлигини маълум қилганлигини, қайта ишламаслигини айтиб ишдан кетганлигини, шу сабабли унга умуман ойлик иш ҳақи ҳам ҳисобланмаганлигини, фақатгина уни ишдан бўшатиш ҳақида буйруқ чиқарилмасдан қолганлигини, ҳақиқатдан ҳам иш ҳақи ведомостларида 2021 йил апрель, декабрь ойларида Пардаев Ғайбулланинг номига, 2021 йил апрель, июль, декабрь ойларида Харитов Нуралининг номига, 2021 йил июль ойида Мардиев Шухратнинг номига, 2021 йил апрель ойида Жўраеванинг номига, 2021 йил апрель ойида Рахматованинг номига иш ҳақи ҳисобланиб тўланганлиги қайд этилганлигини, ушбу номлар тўлов ведомостларига техник хатолик сабабли хато киритиб юборилганлигини, бунга сабаб, юқоридаги тўлов ведомостларидаги Пардаев Ғайбулла аслида Исоқов Ғайбулла Пардаевич бўлиб, у уюшмада назоратчи вазифасида

Ҳужжат имзоланган: Дониёров Илёс Абдужабборович, 22.08.2022

ишлаб келганлигини, унинг ўзи техник хатолик сабабли Пардаев Ғайбулла деб расмийлаштириб кетилган тўлов ведомостларига тўлиқ ўзи имзо чекиб ведомостда кўрсатилган иш ҳақларини олганлигини, Харитов Нурали аслида Каримов Нурали бўлиб, у уюшмада назоратчи вазифасида ишлаб келганлигини, унинг номи техник хатолик сабабли Харитов Нурали деб расмийлаштириб кетилганлигини, тўлов ведомостларига тўлиқ ўзи имзо чекиб ведомостда кўрсатилган иш ҳақларини олганлигини, Мардиев Шухрат аслида Мардимов Шукурулло бўлиб, унинг номи техник хатолик сабабли Мардиев Шухрат деб расмийлаштириб кетилганлигини, Жўраева аслида Жўраев Саидмурод бўлиб, унинг номи ҳам техник хатолик сабабли Жўраева деб расмийлаштирилиб кетилганлигини, Рахматова аслида Рахматов Жонибек бўлиб, у уюшмада ҳисобчи лавозимида 2020 йил июндан, 2020 йил октябрь ойига қадар ишлаб кетганлигини, унинг номи ҳам техник хатолик сабабли Рахматова деб расмийлаштирилиб кетилганлигини, Нурмонов Эрмамат 2020 йил февраль ойида ишдан бўшаган бўлсада, унга нисбатан у ишдан бўшаганидан сўнг 2021 йил апрель ойида иш ҳақи ведомостига биноан 420.000 сўм иш ҳақи, Ж.Рахматуллаев 2020 йил сентябрь ойида ишдан бўшаган бўлсада, унга нисбатан у ишдан бўшаганидан сўнг 2020 йил ноябрь ойида 200.0 минг сўм, 2020 йил декабрь ойида 7-сонли тўлов ведомости билан 780.0 минг сўм, 2021 йил апрель ойида 15-сонли тўлов ведомости билан 780.0 минг сўм иш ҳақи ҳисобланганлигини, Э.Нурмонов ва Ж.Рахматуллаевлар ишдан бўшаган бўлсаларда юқорда айтганидек, уюшма раҳбари М.Мухаммадиевнинг топшириғига кўра уларга нисбатан ишдан бўшаганларидан сўнг ҳисобланган иш ҳақларини иш ҳақи ведомостларига имзо чекиб М.Мухаммадиевнинг ўзи олганлигини, тафтишда 2021 йил давомида “Шаршара-Наврўз” СИУда ишлаган С.Бойқорваев, С.Диёров, К.Жахонгиров, К.Йўлдошев, А.Мардиев, Ж.Нурмонов, К.Санақулов, У.Хожимуродов, И.Шаропов, Н.Камолов, С.Нуриддинов, Ш.Мардимов, Ш.Мусабоевларнинг номига юритилган тўлов ведомостларига сохта маълумотлар киритиб ва уларнинг номларидан имзо қўйиб келиниши натижасида, улар ҳақиқатда олмаган бўлсада, тўлов ведомостларига олинган иш ҳақи деб кўрсатилиши оқибатида жами 35.693.000 сўм пул маблағлар ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилинганлиги аниқланганлигини, ушбу ҳолатни қуйидагича изоҳлашлигини, уюшмада ходимларга ойлик иш ҳақи накд пул бўлмаганлиги сабабли тадбиркорлардан қарзга мол сўйдириб олиб, иш ҳақи эвазига кг.сини 70 минг сўмдан ҳисоблаб тарқатиб келиб, уюшманинг ҳисоб рақамига пул тушганидан сўнг, мол сотиб олган тадбиркорларга пулини бериб келинганлигини, шу сабабли кўп вақтларда М.Мухаммадиевнинг топшириғига кўра ходимларга мол гўшти тарқатиб, тўлдирилмаган иш ҳақи ведомостларига у ва кадрлар бўйича ходим Ташановлар имзо чектириб олганликларини, сўнг уюшма раҳбари М.Мухаммадиев ходимлар монидан имзоланган бўш тўлов ведомостларига қайси ходимга қанча лик иш ҳақи ҳисобланишини базан унга ва базан Ж.Ташановга белгилаб

Хужжат имзоланган: Дониёров Илёс Абдужабборович, 22.08.2022

бериб, базан ўзи киритиб келганлигини, шундан сўнг, ходимларга иш ҳақи эвазига ҳисоблаб тарқатилган мол гўштидан ортиқча қисмини ўзи олиб қолганлигини, у ушбу ҳолатлардан бирор-бир тартибда моддий манфаатдор бўлмаганлигини, М.Мухаммадиев раҳбари бўлганлиги сабабли унинг топшириғини бажарганлигини, шунингдек, бази вақтларда иш ҳақи ведомостларига айрим ходимлар узоқ ҳududдаги массивларда назоратчи бўлиб ишлашлиги сабабли уларни келаолмаслигини айтиб, уларга иш ҳақини, базида иш ҳақи эвазига тарқатилган гўштни М.Мухаммадиев ўзи олиб бориб беришини айтиб, тўлов ведомостларига ушбу ходимларнинг номидан имзо чекиб бераверишлигини айтиб топшириқ берганлиги учун юқорида номлари қайд этилган ходимларнинг номидан имзо қўйган ҳолатлари ҳам бўлганлигини билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Ташанов Джалолидин ўзининг кўрсатувида у 2016 йил февраль ойидан буён тумандаги “Шаршара-Наврўз” СИУда диспечер лавозимида ишлаб келмоқдалигини, уни хизмат вазифаларига туманга кириб келган сувни ҳудудларга тақсимлаш киришлигини, бундан ташқари у уюшмада кадрлар бўйича ходимни ишини ҳам қилишлигини ва иш ҳақи тўлов ведомостларини тузишда ҳисобчига ёрдам беришлигини, у “Шаршара-Наврўз” СИУнинг бир гуруҳ ходимлари томонидан Департаментнинг Оқдарё тумани бўлими бошлиғи номига ёзилган шикоят ариза билан танишиб чиққанлигини ва қуйидагиларни маълум қилишлигини, “Шаршара-Наврўз” СИУда жами 31 нафар ходимлар мавжудлигини, шундан бир нафар раҳбар, бир нафар ўринбосар, бир нафар ҳисобчи, бир нафар кадрлар бўйича ходим, бир нафар диспечер, бир нафар фаррош, бир нафар шафёр, бир нафар гидрометр ва 23 нафар ҳудуд ва канал назоратчиларидан иборатлигини, ходимларга иш ҳақини белгилаш кенгаш аъзолари томонидан белгиланишлигини, ҳақиқатдан ҳам ходимларга иш ҳақлари ўз вақтида берилмаслигини, бунга сабаб фермер хўжаликлари томонидан ўз вақтида уюшманинг ҳисоб рақамига пул маблағлари ўтказилмаслигини, шунинг учун ходимларга иш ҳақи ўрнига байрам вақтлари мол гўштини ўртача бозор нархида ҳисоблаб, тўлдирилмаган тўлов ведомостига ходимларга имзо қўйдириб, мол гўшти тарқатилишлигини, банкдан нақд пул олингандан сўнг, қарзга олинган мол гўштини пули тадбиркорга олиб бориб берилишлигини, ходимларга иш ҳақи сифатида нақд пулларни олиб келиб тарқатиш, гўшт маҳсулотларини тенг тақсимлаб тарқатиш, тарқатилган пул ва гўшт маҳсулотлари бўйича ведомостлар тузиб, имзолатишни уюшма раҳбари М.Мухаммадиевнинг кўрсатмасига асосан у ва ҳисобчи У.Абдурахмонов бажаришлигини, улар раҳбар М.Мухаммадиев кўрсатмасига асосан нақд пул ва гўшт маҳсулотлари тарқатилганлиги бўйича ҳисобот тайёрлашлигини, тўлов ведомости расмийлаштиришларидан олдин, М.Мухаммадиев уларга кимларни номини ведомостга киритиб, неча сўм беришларини белгилаб беришлигини, 2021 йил мобайнида уюшма

Хужжат имзоланган: Дониёров Илёс Абдужабборович, 22.08.2022

томонидан банкдан 13 апрелда 110.0 млн. сўм, 01 июлда 40.0 млн. сўм, 30 июлда 50.0 млн. сўм, 25 августда 15.0 млн. сўм, 02 ноябрда 37.0 млн. сўм, 30 декабрда 110.0 млн. сўм жами 362.0 млн. сўм миқдорида нақд пул олинганлигини, олинган нақд пуллар бўйича тўлов ведомостлари расмийлаштирилганлигини, жумладан, 2021 йил апрель ойи учун 12.4 млн. сўмлик 11-сонли тўлов ведомости, апрель ойи учун 18.22 млн. сўмлик 12-сонли тўлов ведомости, апрель ойи учун 15.9 млн. сўмлик 13-сонли тўлов ведомости, апрель ойи учун 29.39 млн. сўмлик 14-сонли тўлов ведомости, апрель ойи учун 23.94 млн. сўмлик 15-сонли тўлов ведомости, апрель ойи учун 9.7 млн. сўмлик 16-сонли тўлов ведомости, июль ойи учун 15.5 млн. сўмлик 18-сонли тўлов ведомости, июль ойи учун 17.7 млн. сўмлик 19-сонли тўлов ведомости, июль ойи учун 22.0 млн. сўмлик 20-сонли тўлов ведомости, июль ойи учун 24.9 млн. сўмлик 21-сонли тўлов ведомости, июль ойи учун 10.0 млн. сўмлик 22-сонли тўлов ведомости, август ойи учун 15.0 млн. сўмлик 23-сонли тўлов ведомости, ноябрь ойи учун 19.6 млн. сўмлик 24-сонли тўлов ведомости, ноябрь ойи учун 17.4 млн. сўмлик 25-сонли тўлов ведомости, декабрь ойи учун 19.8 млн. сўмлик 26-сонли тўлов ведомости, декабрь ойи учун 30.0 млн. сўмлик 27-сонли тўлов ведомости, декабрь ойи учун 30.2 млн. сўмлик 28-сонли тўлов ведомости, декабрь ойи учун 30.0 млн. сўмлик рақамсиз тўлов ведомостлари жами 361.5 млн. сўмга расмийлаштирилганлигини, ушбу расмийлаштирилган ведомостлардаги пулларни ҳаммаси ходимларга нақд пул кўринишида берилмаганлигини, асосан ушбу пуллар ходимларга олдиндан тарқатилган гўшт маҳсулотларини ҳисобига қайтарилиб, тадбиркорларга гўшт маҳсулоти учун олиб бориб берилганлигини, 2021 йилда расмийлаштирилган тўлов ведомостларига муқаддам ишлаб кетган ходимларнинг номига ҳам иш ҳақи расмийлаштирилиб, имзоланганлигини, бунга сабаб, раҳбар М.Мухаммадиевнинг кўрсатмасига асосан у ва У.Абдурахмонов тўлов ведомостларини расмийлаштирганликларини, муқаддам ишлаб кетган ходимлар номига расмийлаштирилганлигини, иш ҳақларини раҳбар М.Мухаммадиев имзолаб олганлигини, Худоёрова Дилфуза уюшма раҳбари М.Мухаммадиевнинг турмуш ўртоғи бўлиб, уни ишга қабул қилиш юзасидан М.Мухаммадиев буйруқ расмийлаштирганидан сўнг, унинг оғзаки топшириғига кўра унинг номига иш ҳақи ҳисобланганлигини, ҳисобланган иш ҳақи ва иш ҳақи эвазига тарқатилган гўшт маҳсулотлари бўйича иш ҳақи ведомостларига унинг номидан М.Мухаммадиевнинг ўзи имзо қўйиб олиб келганлигини, ҳақиқатда унинг ишлаган ёки ишламаганлигини аниқ билмаслигини, уни юшмада кўрмаганлигини, Жўраев Саидмурод 2020 йил 03 июлдан 2021 йил 03 март кунига қадар тумандаги “Шаршара-Наврўз” СИУда “Янгиравот-1” массивида назоратчи вазифасида ишлаганлигини, у 2021 йил 03 март куни туман Ирригация бўлимига ишга кирганлиги сабабли уюшмадан ишдан бўшаганлигини, у дан бўшаганидан сўнг, М.Мухаммадиевнинг топшириғига кўра унинг мига 2021 йил апрель ойида 13-сонли тўлов ведомости билан

Хужжат имзоланган: Дониёров Илёс Абдужабборович, 22.08.2022

660.0 минг сўм, 2021 йил апрель ойида 14-сонли тўлов ведомости билан 967.5 минг сўм, 2021 йил апрель ойида 15-сонли тўлов ведомости билан 660.0 минг сўм, жами 2287.5 минг сўм иш ҳақи ҳисобланиб, ушбу ҳисобланган иш ҳақи ва иш ҳақи эвазига тарқатилган гўшт маҳсулотларини С.Жўраевга олиб бориб беришлигини айтганлигини, М.Мухаммадиевнинг ўзи базан у ва базан У.Абдурахмоновга иш ҳақи ведомостларига имзо чектириб олганлигини, Раджабов Носир 2016 йилдан 2020 йил 26 октябрь кунига қадар уюшманинг "Янгиқўрғон" массиви назоратчиси вазифасида ишлаганлигини, 2020 йил 26 октябрда у туман алоқа бўлимига ишга ўтмоқчилиги сабабли ўзининг ишдан бўшаш ҳақидаги аризасига асосан уюшмадан ишдан бўшаганлигини, бироқ у 2021 йилнинг март ойида туман почта алоқа бўлимига ишга кира олмаганлигини маълум қилиб, яна уюшмага ишга олишни сўраб, ариза ёзиб келганлиги сабабли у уюшма раҳбари М.Мухаммадиевнинг буйруғи билан ишга қабул қилиниб, М.Мухаммадиев томонидан у 3-сектор яъни туман ИИБ бошлиғининг сектори ишчи гуруҳига бириктирилиб, уни 3-сектор штабига доимий аъзо қилиб юборилганлигини, шу сабабли унга ҳам иш ҳақи ҳисоблаб келинганлигини, бироқ уни унинг 3-секторга умуман бормаганлигидан хабари бўлмаганлигини, Н.Ражабов уюшмага ҳам келмаслигини, унга ҳисобланган иш ҳақи ва иш ҳақи эвазига тарқатилган гўштни у унинг қариндоши яъни синглисининг турмуш ўртоғи бўлганлиги сабабли унга олиб бориб беришини айтганлигини, тўлов қайдномаларига унинг номидан унинг имзосига ўхшатиб имзо қўйиб олиб кетганлигини, Н.Ражабовнинг хонадонига олиб бориб берганлигини, Мардимов Шукурулло иш ҳақи ведомостларига техник хатолик сабабли Мардиев Шукурулло деб ёзиб кетилганлигини, Мардимов Шукурулло ҳақида у уюшма раҳбари М.Мухаммадиевдан сўраганида 2021 йилнинг май ойида уюшманинг Жомбой тумани билан туташган ҳудуди бўлмиш "Р.Хамраев" массивига пандемия ҳамда сув танқислиги учун ишчи ходим зарур бўлганлиги туфайли назоратчи вазифасига ишга олганлигини, уни ишга олаётган вақтида уюшманинг идораси унинг назорат ҳудудидан жуда узоқда жойлашганлиги сабабли унга уюшмада ҳар хафтада бир маротаба бўладиган йиғилишларга келмаслигига у билан келишиб, йиғилишларга келмаса ҳам ўзига бириктирилган ҳудуддан муаммо чиқармасдан юклатилган вазифаларини бажаришига рухсат берганлигини, шу сабабли у уюшмада бўладиган йиғилишларга келмаганлигини айтганлигини, Мардимов Шукурулло ҳақиқатдан ҳам уюшмада бўладиган йиғилишларга келмаганлигини, унинг номига ҳисобланган иш ҳақи ва иш ҳақи эвазига тарқатилган мол гўштини М.Мухаммадиевнинг ўзи Ш.Мардимовга олиб бориб беришлигини айтиб иш ҳақи ведомостларига имзо қўйиб олиб кетишлигини, бироқ М.Мухаммадиев Ш.Мардимовга олиб бориб беришлигини айтиб олиб кетган иш ҳақи ва иш ҳақи эвазига тарқатиладиган гўштни унга берган ёки бермаганлигидан унинг хабари йўқлигини, шунингдек, Нуриддинов Сирожиддин ҳам 2021 йил июнь ойида уюшманинг "Р.Хамраев" массиви

Хужжат имзоланган: Дониёров Илёс Абдужабборович, 22.08.2022

ҳудудида жойлашган дарғатнинг “Даҳбед” массиви ҳудудига фермер хўжаликларига сув етказиб берувчи назоратчи вазифасига ишга олинганлигини, бироқ унинг назорат ҳудуди ҳам уюшма идорасидан узоқда бўлганлиги сабабли у ҳам ҳар ҳафта бўладиган йиғилишларга келмаслигини, шу сабабли ушбу ходим ҳам уюшмада бўладиган йиғилишларга кўп келмаганлигини, унинг номига ҳисобланган иш ҳақи ведомостларига ҳам унинг номидан М.Мухаммадиевнинг ўзи унинг имзосига ўхшатиб имзо қўйиб иш ҳақларини унга ўзи олиб бориб беришлигини айтганлигини, 2021 йил ёз ойларида уюшмага қарашли каналларда ноқонуний сув олиш қулоқлари ва хусусий насослар орқали сув ўғирлиги кўпайиб кетганлиги сабабли туман бўйича барча ҳудудларни айланиб сув етиб бориши оғир ҳудудларга сув етиб боришлигини назорат қилишлик учун Мусабоев Шерали 2021 йил июль ойида ишга олинганлигини, у канал бўйида ўзига бириктирилган вазифаларни бажариб юрганлиги сабабли уни йиғилишларга кўп чақирилмаганлигини, шу сабабли у йиғилишларга кам келганлигини, у иш ҳақи эвазига мол гўшти олганлигини, у ҳудудда бўлган вақтларда иш ҳақи ведомостларига унинг номидан уникига ўхшатиб М.Мухаммадиев имзо чекиб иш ҳақини унга олиб бориб беришлигини айтиб базида иш ҳақларини олган вақтлари ҳам бўлганлигини, Умаров Хумоюн 2021 йил 02 июлда уюшмага назоратчи вазифасига ишга олинганлигини, бироқ ишга кирганидан сўнг орадан икки кун ўтиб, унинг фарзандлари учун алимент тўловларидан қарздорлиги мавжуд бўлганлиги, унга доимий ҳар ойда бериб бориладиган иш ҳақи зарурлигини, уюшмада эса ойликлар ҳар ойда берилмаслигини, шу сабабли унга мазкур иш тўғри келмас эканлигини маълум қилиб, қайта ишламаслигини айтиб ишдан кетганлигини, шу сабабли унга умуман ойлик иш ҳақи ҳам ҳисобланмаганлигини, фақатгина уни ишдан бўшатиш ҳақида буйруқ чиқарилмасдан қолганлигини, ҳақиқатдан ҳам иш ҳақи ведомостларида 2021 йил апрель, декабрь ойларида Пардаев Ғайбулланинг номига, 2021 йил апрель, июль, декабрь ойларида Харитов Нуралининг номига, 2021 йил июль ойида Мардиев Шухратнинг номига, 2021 йил апрель ойида Жўраеванинг номига, 2021 йил апрель ойида Рахматованинг номига иш ҳақи ҳисобланиб тўланганлиги қайд этилганлигини, ушбу номлар тўлов ведомостларига техник хатолик сабабли хато киритиб юборилганлигини, бунга сабаб, юқоридаги тўлов ведомостларидаги Пардаев Ғайбулла аслида Исоқов Ғайбулла Пардаевич бўлиб, у уюшмада назоратчи вазифасида ишлаб келганлигини, унинг ўзи техник хатолик сабабли Пардаев Ғайбулла деб расмийлаштириб кетилганлигини, тўлов ведомостларига тўлиқ ўзи имзо чекиб ведомостда кўрсатилган иш ҳақларини олганлигини, Харитов Нурали аслида Каримов Нурали бўлиб, у уюшмада назоратчи вазифасида ишлаб келганлигини, унинг номи техник хатолик сабабли Харитов Нурали деб расмийлаштириб кетилганлигини, тўлов ведомостларига тўлиқ ўзи [имзо] чекиб ведомостда кўрсатилган иш ҳақларини олганлигини, Мардиев [Шу]храт аслида Мардимов Шукурулло бўлиб, унинг номи техник хатолик

Хужжат имзоланган: Дониёров Илёс Абдужабборович, 22.08.2022

сабабли Мардиев Шухрат деб расмийлаштириб кетилганлигини, Жўраева аслида Жўраев Саидмурод бўлиб, унинг номи ҳам техник хатолик сабабли Жўраева деб расмийлаштирилиб кетилганлигини, Рахматова аслида Рахматов Жонибек бўлиб, у уюшмада ҳисобчи лавозимида 2020 йил июндан, 2020 йил октябрь ойига қадар ишлаб кетганлигини, унинг номи ҳам техник хатолик сабабли Рахматова деб расмийлаштирилиб кетилганлигини, Нурмонов Эрмамат 2020 йил февраль ойида ишдан бўшаган бўлсада, унга нисбатан у ишдан бўшаганидан сўнг 2021 йил апрель ойида иш ҳақи ведомостига биноан 420.000 сўм иш ҳақи, Ж.Рахматуллаев 2020 йил сентябрь ойида ишдан бўшаган бўлсада, унга нисбатан у ишдан бўшаганидан сўнг 2020 йил ноябрь ойида 200.0 минг сўм, 2020 йил декабрь ойида 7-сонли тўлов ведомости билан 780.0 минг сўм, 2021 йил апрель ойида 15-сонли тўлов ведомости билан 780.0 минг сўм иш ҳақи ҳисобланганлигини, Э.Нурмонов ва Ж.Рахматуллаевлар ишдан бўшаган бўлсаларда юқорида айтганидек, уюшма раҳбари М.Мухаммадиевнинг топшириғига кўра уларга нисбатан ишдан бўшаганларидан сўнг ҳисобланган иш ҳақларини иш ҳақи ведомостларига имзо чекиб М.Мухаммадиевнинг ўзи олганлигини, тафтишда 2021 йил давомида “Шаршара-Наврўз” СИУда ишлаган С.Бойқорваев, С.Диёров, К.Жахонгиров, К.Йўлдошев, А.Мардиев, Ж.Нурмонов, К.Санақулов, У.Хожимуродов, И.Шаропов, Н.Камолов, С.Нуриддинов, Ш.Мардимов, Ш.Мусабоевларнинг номига юритилган тўлов ведомостларига сохта маълумотлар киритиб ва уларнинг номларидан имзо қўйиб келиниши натижасида, улар ҳақиқатда олмаган бўлсада, тўлов ведомостларига олинган иш ҳақи деб кўрсатилиши оқибатида жами 35.693.000 сўм пул маблағлари ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилинганлиги аниқланганлигини, ушбу ҳолатни қуйидагича изоҳлашлигини, уюшмада ходимларга ойлик иш ҳақи накд пул бўлмаганлиги сабабли тадбиркорлардан қарзга мол сўйдириб олиб, иш ҳақи эвазига кг.сини 70 минг сўмдан ҳисоблаб тарқатиб келиб, уюшманинг ҳисоб рақамига пул тушганидан сўнг, мол сотиб олган тадбиркорларга пулини бериб келинганлигини, шу сабабли кўп вақтларда М.Мухаммадиевнинг топшириғига кўра ходимларга мол гўшти тарқатиб, тўлдирилмаган иш ҳақи ведомостларига у ва У.Абдурахмоновлар имзо чектириб олганликларини, сўнг уюшма раҳбари М.Мухаммадиев ходимлар томонидан имзоланган бўш тўлов ведомостларига қайси ходимга қанча ойлик иш ҳақи ҳисобланишини базан унга ва базан У.Абдурахмоновга белгилаб бериб, базан ўзи киритиб келганлигини, шундан сўнг, ходимларга иш ҳақи эвазига ҳисоблаб тарқатилган мол гўштидан ортиқча қисмини ўзи олиб қолишлигини, у ушбу ҳолатлардан бирор-бир тартибда моддий манфаатдор бўлмаганлигини, М.Мухаммадиев раҳбари бўлганлиги сабабли унинг топшириғини бажарганлигини, шунингдек, бази вақтларда иш ҳақи ведомостларига айрим ходимлар узоқ ҳудуддаги массивларда назоратчи бўлиб ишлашлиги сабабли уларни келаолмаслигини айтганлигини, уларга иш ҳақини, базида иш ҳақи эвазига тарқатилган

Хужжат имзоланган: Дониёров Илёс Абдужабборович, 22.08.2022

гўштни М.Мухаммадиев ўзи олиб бориб беришини айтганлигини, тўлов ведомостларига ушбу ходимларнинг номидан имзо чекиб бераверишлигини айтиб топшириқ берганлиги учун юқорида номлари қайд этилган ходимларнинг номидан имзо қўйган ҳолатлари ҳам бўлганлигини билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Исоқов Ғайбулла Пардаевич ўзининг кўрсатувида у 2019 йилдан бугунги кунга қадар тумандаги “Шаршара-Наврўз” СИУда “А.Қодирий” ММТП ҳудуди назоратчиси бўлиб ишлаб келишлигини, уни хизмат вазифаларига сувни фермер хўжаликларига етказиб бериш, фермер хўжаликлари билан шартномалар тузиб, уюшмага тақдим қилиш ва бошқалар кирганлигини, у ушбу СИУда ишлаган даври учун жами асосан иш ҳақи эвазига гўшт маҳсулотларини олиб келишлигини, 2021 йил учун жами 98 кг гўшт ва 1.600.000 сўм нақд пул олганлигини, жумладан, 24.01.2021 йилда 11 кг, 12.03.2021 йилда 12 кг, 21.03.2021 йилда 7 кг, 20.04.2021 йилда 4 кг, 08.05.2021 йилда 6 кг, 18.07.2021 йилда 10 кг, 31.08.2021 йилда 7 кг, 07.10.2021 йилда 10 кг, 27.12.2021 йилда 11 кг жами 98 кг гўшт ва 09.04.2021 йилда 900.000 сўм ва 27.12.2021 йилда 700.000 сўм, жами 1.600.000 сўм нақд пуллар олганлигини, ундан иш ҳақи эвазига олган гўшт маҳсулотлари учун иш ҳақи ведомостига СИУ бош ҳисобчиси У.Абдураҳмонов имзо чектириб олганлигини, у терговда унга таништирилган 2020-2021 йиллардаги иш хақи ведомостлари билан тўлиқ кўриб танишиб чиққанлигини, ушбу иш ҳақи ведомостларида кўрсатилган иш ҳақи ва иш ҳақи ҳисобига ҳисоблаб топширилган гўшт маҳсулотларини тўлиқ ўзи тўлов ведомостларига имзо чекиб олганлигини, бундан ташқари, 2021 йил апрель ойидаги 13-сонли ведомостдаги 480 минг сўмлик, 2021 йил декабрь ойидаги рақамсиз иш ҳақи ведомостидаги 900 минг сўмлик Пардаев Ғайбулланинг номига чиқарилган иш ҳақи эвазига килограмини 70 минг сўмдан ҳисоблаб гўшт маҳсулотлари олганлигини ва тўлов ведомостига олганлигини тасдиқлаб имзо чекиб берганлигини, унинг исм-фамилия ва шарифи Исоқов Ғайбуллла Пардаевич бўлганлиги сабабли тўлов ведомостини тузган ҳисобчи томонидан унинг фамилияси ўрнига шарифини фамилия ўрнида хато ёзганлиги сабабли Пардаев Ғайбулла бўлиб ушбу ведомостларда хато ёзилиб кетганлигини, Худоёрова Дилфуза, Жўраев Саидмурод, Мардиев Шукурулло, Нуриддинов Сирож исмли фуқаролар уларнинг ишхонасида яъни “Шаршара-Наврўз” СИУда ишлаш ёки ишламаслигини у билмаслигини, ушбу фуқароларни умуман ишхонада кўрмаганлигини, Рахматуллаев Жонибек 30.09.2020 йилда ишдан бўшатилган, бугунги кунда ишламаслигини, у СИУда кўп ишламаганлигини, Раджабов Носир муқаддам “Шаршара-Наврўз” СИУда ишлаганлигини 2020 йилнинг тахминан октябрь ойида туман почта бўлимига ишга ўтишлик учун ишдан бўшаганлигини, Мусабоев Шерали ҳам муқаддам “Шаршара-Наврўз” СИУда ...лаб кетганлигини, кейин унинг ишга яна кирган ёки кирмаганлигини ...иқ билмаслигини, у “Шаршара-Наврўз” СИУда ишловчи барча

Хужжат имзоланган: Дониёров Илёс Абдужабборович, 22.08.2022

ходимларни танишлигини, улар ҳар ҳафта бир маротаба йиғилишда қатнашганликларини, ҳаммалари бир йиғилишда бўлишлигини шу сабабли ким СИУда ишлаш-ишламаслигини яхши билишлигини билдириб баёнот берди.

Судланувчи Мухаммадиев Мардон Абдусаматовичнинг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, берган кўрсатувидан ташқари унинг айби: 2022 йил 07 март кунидаги “Шаршара-Наврўз” СИУ да ўтказилган ўрганиш натижасида тўпланган ҳужжатлар юзасидан қилинган маълумотномалар (ишнинг 1 жилд, 4-9-варақалари), 2022 йил 24 март кунидаги судга оид криминалстика экспертизасининг № 53-сонли хулосаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар (ишнинг 1 жилд, 148-224-варақалари), 2022 йил 06 июнь кунидаги Самарқанд вилояти давлат солиқ бошқармаси мутахассиси Л.Қурбоновнинг “Шаршара-Наврўз” СИУда ўтказилган солиқ аудити якуни бўйича тузилган далолатномаси (ишнинг 1 жилд, 248-290-варақалари), 2022 йил 01 июнь кунидаги Самарқанд вилояти давлат солиқ бошқармаси мутахассиси Л.Қурбоновнинг “Шаршара-Наврўз” СИУда ўтказилган солиқ аудити якуни бўйича тузилган 06.05.2022 йилдаги далолатномага қўшимча далолатномаси ва унга илова қилинган таққослаш жадваллари (ишнинг 2-жилд, 114-122-варақлари) ва жиноят ишидаги бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланади.

Оқдарё тумани прокуратураси терговчиси Д.Ў.Маматовнинг 2022 йил 06 июнь кунидаги қарорига кўра, жиноят ишининг бир қисми ҳаракатдан тугатилган.

Суд, судланувчи Мухаммадиев Мардон Абдусаматовичнинг бир гуруҳ шахслар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, ўзига ишониб топширилган ва ўзганинг мулкини хизмат вазифаларидан фойдаланиб ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишда, ҳужжатларга сохта маълумотлар киритиб ҳамда ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланишда ифодаланган ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “а,в,г” бандлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Бироқ суд, судланувчи Мухаммадиев Мардон Абдусаматовичга дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан нотўғри квалификация қилинган деб, 228-моддасининг 3-қисми билан ортиқча квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “б” бандида “бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса” жиноий жавобгарлик белгиланган.

Дастлабки тергов давомида ва судда жабрланувчилар С.Бойқораев, С.Диёров, К.Жахонгиров, К.Йўлдошев, А.Мардиев, Ж.Нурмонов, Қ.Санақулов, У.Хожимуродов, И.Шарапов, Н.Камолов, С.Нуриддинов,

Хужжат имзоланган: Дониёров Илёс Абдужабборович, 22.08.2022

Ш.Мардимов, Ш.Мусабоевлар тўлов ведомостларига ўзлари имзо қўйганликларини билдириб кўргазма бериб ўтган.

Шу сабабли суд, судланувчи М.А.Мухаммадиевга дастлабки тергов органи томонидан қўйилган жиноий хатти-ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “б” бандидан шу модданинг 1-қисмига қайта квалификация қилишликни лозим деб топади.

Шунингдек суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси диспозициясида “сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаши ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштириши ёхуд бундай ҳужжатларни сотиши, шундай мақсадларда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг қалбаки штамплари, муҳрлари, бланкаларини тайёрлаш ёхуд сотиш” учун жавобгарлик белгиланган.

Шу сабабли, судланувчи М.А.Мухаммадиев томонидан олдиндан жиноий тил бириктириб, расмий ҳужжат ҳисобланган тўлов ведомостларига сохта маълумотлар киритиб, ушбу ведомостларини сохта эканлигини била туриб, ушбу қалбаки ҳужжатлардан фойдаланганликдаги жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддасининг 1-қисми билан қамраб олади.

Шу сабабли, суд, судланувчи М.А.Мухаммадиевни Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддасининг 3-қисми билан, унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли, оқлашни лозим топади.

Суд, судланувчи Мухаммадиев Мардон Абдусаматовичнинг содир этган жиноятини қасддан содир этилган унча оғир бўлмаган жиноят деб ҳисоблаб, унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилалик бўлиб, қарамоғида 4 нафар фарзандлари ва ҳеч қаерда ишламайдиган турмуш ўртоғи ҳамда кекса ота-онаси борлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини, оилавий шароитини, етказилган моддий зарарни тўлиқ бартараф қилганлигини жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ниятларда содир қилганлигини унинг жавобгарлигини оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этади.

Суд, судланувчи Мухаммадиев Мардон Абдусаматовичга нисбатан жазо турини ва меъёрини белгилашда,

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунидаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 2-бандидаги, “Судлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни ЖК 65,66,70,71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозим” деб осатилган раҳбарий талабларига амал қилиб, судланувчи Мухаммадиев рдон Абдусаматовичнинг шахсини, айбига тўлиқ иқрорлигини,

Ҳужжат имзоланган: Дониёров Илёс Абдужабборович, 22.08.2022

қилмишидан амалда чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилалик бўлиб, қарамоғида 4 нафар фарзандлари, ҳеч қаерда ишламайдиган турмуш ўртоғи ва кекса ота-онаси борлигини, оилавий шароитини, етказилган моддий зарарларни тўлиқ қоплаганлигини, иш бўйича етказилган зарар мавжуд эмаслигини, унга нисбатан қонунчиликдаги енгилликларни қўллаган ҳолда жиноий жавобгарликдан озод қилишни сўраб берган илтимосномаларини, шунингдек, у томонидан содир этилган жиноят унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киришлигини инобатга олиб, уни Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “а,в,г” бандлари ва 228-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 71-моддасига асосан жазодан озод қилишликни, унга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чорасини бекор қилишлишликни лозим деб топади.

Шунингдек суд, етказилган зарарни қоплаш учун Самарқанд вилоят прокуратураси депозит ҳисоб рақамига туланган 99.300.000 сўм пул маблағларидан 1.980.000 сўми жабрланувчи С.Бойқораевга, 450.000 сўми жабрланувчи С.Диёровга, 870.000 сўми жабрланувчи К.Жаҳонгировга, 1.040.000 сўми жабрланувчи К.Йўлдашевга, 1.237.500 сўми жабрланувчи А.Мардиевга, 1.490.000 сўми жабрланувчи Ж.Нурмоновга, 4.320.000 сўми жабрланувчи Қ.Санакуловга, 4.820.000 сўми жабрланувчи У.Хожимуродовга, 5.937.500 сўми жабрланувчи И.Шараповга, 1.970.000 сўми жабрланувчи Н.Камоловга, 2.660.000 сўми жабрланувчи С.Нуриддиновга, 6.411.000 сўмини жабрланувчи Ш.Мардимовга, 2.507.000 сўми жабрланувчи Ш.Мусабоевга қайтаришликни, 27.474.400 сўмини Оқдарё тумани, “Шаршара-Наврўз” СИУ ҳисоб рақамига ўтказишликни, қолган 36.132.600 сўми судланувчи М.Мухаммадиевга қайтаришликни лозим деб ҳисоблайди.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 453-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 475-476-моддаларига асосланиб, ҳукм қилади,-

## Ҳ У К М :

Судланувчи Мухаммадиев Мардон Абдусаматович (Muxammadiyev Mardon Abdusamatovich), Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддасининг 3-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбсиз деб топилсин ва бу модда билан унинг ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли оқлансин.

Судланувчи Мухаммадиев Мардон Абдусаматович (Muxammadiyev Mardon Abdusamatovich), Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “а,в,г” бандлари ва 228-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин ва у Ўзбекистон Республикаси ЖК 71-моддасига асосан жазодан озод қилинсин.

Хужжат имзоланган: Дониёров Илёс Абдужабборович, 22.08.2022

Судланувчи Мухаммадиев Мардон Абдусаматовичга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин ва гаровга қўйилган 6.000.000 (олти миллион) сўм пуллар унинг ўзига қайтарилсин.

Самарқанд вилоят прокуратураси депозит ҳисоб рақамига туланган 99.300.000 сўм пул маблағларидан 1.980.000 сўми жабрланувчи С.Бойқораевга, 450.000 сўми жабрланувчи С.Диёровга, 870.000 сўми жабрланувчи К.Жаҳонгировга, 1.040.000 сўми жабрланувчи К.Йўлдашевга, 1.237.500 сўми жабрланувчи А.Мардиевга, 1.490.000 сўми жабрланувчи Ж.Нурмоновга, 4.320.000 сўми жабрланувчи Қ.Санақуловга, 4.820.000 сўми жабрланувчи У.Хожимуродовга, 5.937.500 сўми жабрланувчи И.Шараповга, 1.970.000 сўми жабрланувчи Н.Камоловга, 2.660.000 сўми жабрланувчи С.Нуриддиновга, 6.411.000 сўмини жабрланувчи Ш.Мардимовга, 2.507.000 сўми жабрланувчи Ш.Мусабоевга қайтарилсин, 27.474.400 сўми Оқдарё тумани, “Шаршара-Наврўз” СИУ ҳисоб рақамига ўтказилсин, қолган 36.132.600 сўми судланувчи М.Мухаммадиевга қайтарилсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, судланувчи М.А.Мухаммадиев ва фуқаровий даъвогар вакили ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья: И.А.Дониёров

Хужжат имзоланган: Дониёров Илёс Абдужабборович, 22.08.2022